

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI**256 Тошкент вилоятида тиббиёт маҳсулотларини ишлаб  
чиқаришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция дастури тўғрисида» ПҚ–2264-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент вилоятининг sanoat salohiyatini yanada oshirish, b'ush turgan va foydalанил-маётган davlat mulki ob'ektlaridan samarali foydalаниш, tibbiётda ishlatishga m'uljalланган maхsulotларни ishlab chiqarishni y'ulga q'uyish hamda yangi ish u'rinларини yaratish maqsadida Vazirlar Maхkamasi **qaror qiladi**:

1. Тошкент вилояти хокимлиги, «Ўзфармсаноат» ДАК ва «FAZO-LUXE» масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон кишлоқ фуқаролар йиғини, Оҳанграбо кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган «Юқумли касалликлар шифохонаси» бино ва иншоотларини (кейинги ўринларда об'ект деб аталади) «FAZO-LUXE» масъулияти чекланган жамиятига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шarti билан «нол» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки «FAZO-LUXE» масъулияти чекланган жамияти куйидаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилади:

об'ектга технологик асбоб-усқуналар ва хом ашё сотиб олиш ҳамда қуриш-монтаж ишларини амалга ошириш шаклида 1,5 йил муддатда камида 1,6 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

йилига камида 18,0 млн дона тиббиёт маҳсулотлари жумладан, тиббиёт пахтаси, дока, бинт ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

камида 110 та yangi ish u'rinлари ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси:

Тошкент вилояти хокимлиги ва «Ўзфармсаноат» ДАК билан биргаликда ўн кун муддатда об'ектни «FAZO-LUXE» масъулияти чекланган жамиятига mazkur qarorнинг 2-бандида белгиланган шартларда олди-сотди шартномаси тузилишини ҳамда қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлари бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини;

олди-сотди шартномаси тузилганидан сўнг белгиланган тартибда «FAZO-LUXE» масъулияти чекланган жамиятига об'ектга nisbatан mulkий huқuқни tasdiқlovchi davlat ordери (tasarruf этиш huқuқисиз) берилиши, yaratiladigan yangi ish u'rinлари инвестициявий мажбуриятлар бажарилган деб эътироф этилган пайтдан бир йил davomida saқланиши taъминлангандан

**256, 258-моддалар**

**— 34 —**

**20 (676)-сон**

сўнг, белгиланган тартибда объектни тасарруф этиш ҳуқуқи берилишини таъминласин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ергеодезкадастр» Давлат кўмитаси билан биргаликда объектга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишини белгиланган тартибда амалга оширсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарори 2-иловасининг 332-қатори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 18 май,  
126-сон